



## «O‘ZBEKNEFTGAZ» AJ BOSHQARUVI RAISI

M.M.Ibodov  
I.E.NORQULOV  
M.Y.OMAROV

Sh.A.Kudratxodjayev

Muborak neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasi

Muborak gazni qayta ishlash zavodi

Sho'rtan neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasi

"Sho'rtan gaz kimyo majmuasi" MChJ

Gazli neft va gaz qazib chiqarish boshqarmasi

Ustyurt gaz qazib chiqarish boshqarmasi

Buxoro neftni qayta ishlash zavodi MCHJ

"Neft gaz bino inshoot" MCHJ

"Qurilish-montaj va ta'mirlash boshqarmasi" mas'uliyati cheklangan  
jamiyat

"Uzbekistan GTL" MCHJ

"O'zLITineftgaz" AJ

"UNG training" MChJ

"Qarshi neft bazasi" MCHJ

"Urganch neft bazasi" MCHJ

"Kuchluk neft bazasi" MCHJ

"Navoiy neft bazasi" MCHJ

"Buxoro neft bazasi" MCHJ

"Termiz neft bazasi" MCHJ

"Maroqand neft bazasi" MCHJ

"Chinobod neft bazasi" MCHJ

"Jizzax neft bazasi" MCHJ

"Guliston neft bazasi" MCHJ

"SHURTAN GKM" MChJ

KIRIM № 111-1051

05.09 2024 yil.

"Taxiatosh neft bazasi" MCHJ  
"To'raqo'rg'on neft bazasi" MCHJ  
"Farg'ona neft bazasi" MCHJ  
"Andijon neft bazasi" MChJ  
I.M.Gubkin nomidagi Rossiya davlat neft va gaz universitetining  
Toshkent shaxridagi filiali  
"Maxsusenergogaz" MCHJ  
"O'zneftgazburg'ulash ishlari" MChJ  
"Muborakneftgaz-Suvta'minot" MCHJ  
"Гиссарнефтваз" QK MCHJ  
"Buxoro neft va gaz sanoat kolleji"

Эълон маъмурий бинолардаги эълон тахталарига жойлаштирилсин.

M.M.Ibodov  
I.E.NORQULOV

Эълон OAB, Жамиятнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги  
саҳифаларида жойлаштирилсин.

M.Y.OMAROV

Эълон Корпоратив ахборот ягона портали ва фонд-биржасининг веб-  
сайтида жойлаштирилсин.

№01-45-2-09-203  
5 Sentabr 2024



B.B.SIDIQOV



**“Ўзбекнефтгаз” АЖ**  
**Бошқарув раиси**  
**Б.Б.Сидиқовга**

**Хурматли Баҳодиржон Баҳромович,**

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 51-моддасига мувофиқ эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

Қонуннинг 52-моддаси билан акциядорларга дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган.

“Ўзбекнефтгаз” АЖ акциядорларига 2018-2022 йиллар якунлари бўйича ҳисобланган дивидендлар жамият акциядорларининг реестрларига мувофиқ тўлаб келинмоқда. Бироқ, акциядорлар реестрларида банк реквизитлари мавжуд бўлмаган ва дивидендларни олиш бўйича мурожаат қилмаган акциядорларга тегишли бўлган дивидендларни тўлаш имкони мавжуд эмас.

Ҳозирда “Ўзбекнефтгаз” АЖ акциядорларига 2018 йил учун ҳисобланган, лекин акциядор ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан талаб қилиб олинмаган дивиденд маблағларини жамият ихтиёрида қолдириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

2018 йил учун ҳисобланган талаб қилиб олинмаган дивидендларни “Ўзбекнефтгаз” АЖ ихтиёрида қолдиришдан олдин ушбу ҳақида эълон бериш орқали жамият акциядорларини хабардор қилиш мақсадга мувофиқ.

Шунга кўра, Корпоратив муносабатлар департаменти томонидан дивидендларни олиш юзасидан “Ўзбекнефтгаз” АЖга мурожаат қилишлари лозимлиги тўғрисидаги эълон тайёрланган.

Юқоридагиларга кўра, Сиздан мазкур эълонни ОАВ, жамиятнинг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари, Корпоратив ахборот ягона портали ва фонд-биржасининг веб-сайтида жойлаштириш ҳамда Жамият ва унинг таркибидаги ташкилотларнинг эълон тахталарига жойлаштириш бўйича масъул департаментларга кўрсатма беришингизни сўраймиз.

*Эълон илова қилинмоқда.*

*Хурмат билан,*

**Корпоратив муносабатлар**  
**департаменти бошлиғи,**  
**Корпоратив котиб**



**М.Омаров**

**“Ўзбекнефтгаз” АЖ ва собиқ “Ўзбургунефтгаз” АЖ,  
“Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖ, “Ўзнефтмахсулот” АЖ,  
“Ўзнефтгазмаш” АЖ, “Андижоннефт” АЖ, “Жарқурғоннефт” АЖ  
АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА**

“Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унга қўшилган жамиятларнинг акциядорларига 2018–2022 йиллар якунлари бўйича ҳисобланган, бироқ талаб қилиб олинмаган дивиденд маблағларини тўлаб бериш ишлари давом этмоқда.

Талаб қилиб олинмаган дивидендлар жамият акциядорларининг реестрида акциядорларнинг банк реквизитлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли юзага келган.

Дивидендларни ўз вақтида олиш мақсадида, акциядорлардан (уларнинг ворислари ёхуд меросхўрлари) “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг Корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишларини, бунда акциядорнинг банк реквизитлари (пластик картанинг рақами, амал қилиш муддати ва транзит ҳисоб рақами, банк СТИР рақами ва коди) ва паспорт нусхасини тақдим этилишини сўраймиз.

Акциядорлар томонидан уларга тегишли бўлган дивидендларни олиш мақсадида мурожаат қилинмаган тақдирда, “Ўзбекнефтгаз” АЖ Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 51-моддасига мувофиқ, эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивиденд жамият ихтиёрида қолдириш масаласини акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун киритиш ҳуқуқига эга бўлишини маълум қиламиз.

*Қўшимча маълумот учун “Ўзбекнефтгаз” АЖ Корпоратив муносабатлар департаментига мурожаат қилишингизни сўраймиз:*

*Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли 2-берк кўча, 143-уй;*

*Телефон: (+998 71) 231-13-96; (+998 71) 207-27-72 (ички рақам: 2064, 2067);*

*Электрон почта манзили: kans@ung.uz.*



## ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ

**АО «Узбекнефтегаз» и бывших АО «Узбурнефтегаз»,  
АО «Узнефтегаздобыча», АО «Узнефтепродукт», АО «Узнефтегазмаш»,  
АО «Андижаннефть», АО «Джаркурганнефть»**

АО «Узбекнефтегаз» продолжается работа по выплате начисленных по итогам 2018–2022 годов, но не востребовавшихся дивидендов акционерам АО «Узбекнефтегаз» и присоединенных к нему обществ.

Не востребовавшиеся дивиденды возникли по причине отсутствия банковских реквизитов акционеров в реестре акционеров общества.

В целях своевременного получения дивидендов, просим акционеров (правопреемников или наследников) обратиться в Департамент корпоративных отношений АО «Узбекнефтегаз», с предоставлением банковских реквизитов акционера (номер, срок действия и расчетный счет банковской карты, ИНН и МФО банка) и копию паспорта.

В случае не обращения акционера для получения причитающихся дивидендов, сообщаем, что АО «Узбекнефтегаз», в соответствии со статьей 51 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров», оставляет за собой право внесения на рассмотрение общего собрания акционеров вопроса об оставлении в распоряжении общества дивидендов, не востребованных владельцем или его законным правопреемником или наследником в течение трех лет.

*Для дополнительной информации просим обращаться в Департамент корпоративных отношений АО «Узбекнефтегаз»:*

*Адрес: 100125, город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица Дурмон йули, 2-тупик, 143 дом;*

*Телефон для справок: (+998 71) 231-13-96; (+998 71) 207-27-72 (внутренний номер: 2064, 2067);*

*Адрес электронной почты: [kans@ung.uz](mailto:kans@ung.uz).*